

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗИЁТОВА СУРАЙЁ ЭРКИН ҚИЗИ

“МЕҲРОБДАН ЧАЁН” АСАРИ ЛЕКСИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎК: 811.512.133'373
821.512.133.09-32

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

Зиётова Сурайё Эркин қизи
“Меҳробдан чаён” асари лексикаси.....5

Ziyotova Surayyo Erkin qizi
Lexis of “Mekhrobdan chayon”25

Зиётова Сурайё Эркин қизи
Лексика произведений “Меҳробдан чаён”45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works
Список опубликованных работ.....51

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗИЁТОВА СУРАЙЁ ЭРКИН ҚИЗИ

“МЕХРОБДАН ЧАЁН” АСАРИ ЛЕКСИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2020.2.PhD/Fil1255-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдушукуров Бахтиёр Бўронович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раупова Лайло Рахимовна
филология фанлари доктори, профессор

Сайидов Ёқуб Сиддиқович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сирожидинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, филология
фанлари доктори, профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филология
фанлари доктори, доцент

Н.М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида маълум бир тарихий даврга оид лексикани текшириш, бадий асарлар тилини ўрганиш, улардаги лексик бирликларнинг статистик таҳлилини амалга ошириш, тарихий-этимологик, мавзувий-семантик таснифлаш, стилистик хусусиятини очиб бериш долзарб масалалардан саналади. Биринчидан, тил тараққиётида маълум лексик қатламни диахрон ёки синхрон аспектда ўрганиш луғавий бирликларнинг маъно тараққиётини ёритишга кўмаклашади. Иккинчидан, муайян ёзма манбалар тилини тадқиқ қилиш шу давр, шунингдек, адиб асаридаги лексемаларнинг семантик маъноларини аниқлашга ёрдам беради. Учинчидан, маълум лексикографик луғатлар яратиш, мавжудлари учун манба вазифасини бажаради. Тўртинчидан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданок Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон каби жаҳид адибларимизга Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди, бу, ўз навбатида, мустақиллик йилларида жаҳидларнинг илмий-бадий меросини ўрганиш долзарблик касб этади.

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёни ҳар бир халқнинг азалий қадриятлари, маънавий меросини асраш, қўлёзма ва ёзма манбаларини ўрганиш, уларнинг тил хусусиятларини тадқиқ қилишни кун тартибига кўймоқда. “Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулкидир”¹.

Ўзбекистонда XX аср бошлари ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий, таълимий-маърифий соҳаларда жиддий ўзгаришлар юз бераётган давр эди. Дарҳақиқат, “Меҳробдан чаён” асари лексикаси қайд этилган давр ўзбек адабий тилининг лексик хусусиятлари, луғавий бирликларнинг семантик имкониятларини таҳлил этишда, асарнинг илмий-амалий қийматини белгилашда муҳим ўрин тутди. Асар сўз бойлигининг статистикасини аниқлаш, луғавий қатламларни тадқиқ қилиш орқали асар лексикасининг тарихий-генетик қатламларини ёритиш, лексик бирликларнинг мавзувий-семантик гуруҳларини белгилаш ҳамда унга кирувчи сўзларни лексик-семантик, стилистик хусусиятларини ўрганиш зарур. Бунда сўзларнинг гнеологик жиҳатдан ясашишидаги ўзига хос хусусиятларинига диққат қаратиш, баъзи сўзларнинг шаклий-маъновий таркибида рўй берган ўзгаришлар, қўлланиш доирасини ҳозирги кун нуқтаи назаридан қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш кабилар тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатдаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон

¹Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонда Ислом маданиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. Қарор // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 24 июнь.

“Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилнинг луғат таркиби маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт давомида тадрижий равишда доимо бойиб, ривожланиб боради. Шу нуқтаи назардан, эски туркий тил, эски ўзбек тили даврига оид ёзма ёдгорликлар лексикасини тадқиқ қилишда Э.Фозилов, А.Рустамов, Қ.Маҳмудов, А.Аҳмедов, Б.Бафоев, Ғ.Абдурахмонов, Ҳ.Дадабоев, Қ.Содиқов, С.Рустамова, Б.Абдушукуров, З.Холманова, З.Исоқова, А.Ўразбоев, Д.Абдувалиева, М.Холмурадова, Л.Синдоров, М.Ахатова² сингари ўзбек олимлари томонидан амалга оширилган илмий изланишлар муҳим қийматга эга. Шу билан бирга, жаҳид маърифатпарварлари асарлари тили ва уларнинг лингвистик мероси борасида

² Фозилов Э. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1969; Рустамов А. Алишер Навоий тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари. Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1966; Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-хақойиқ” асари ҳақида: кириш, фонетика, морфология, матн, транскрипция, шарҳ, луғат. – Тошкент: Фан, 1972; Аҳмедов А. Фурқат поэзиясининг лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1976; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983; Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Алишер Навоий асарлари тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1984; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономические терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Тошкент: Ёзувчи, 1991; Содиқов Қ. XI-XV аср уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари. Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1992; Рустамова С. Маҳмуд Кошғарий луғатининг лексикографик хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998; Абдушукуров Б. XI-XIV аср туркий манбалар тилидаги зоонимлар. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Шу муаллиф. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2017; Холманова З. “Бобурнома”нинг лексик тадқиқи. Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2009; Исоқова З. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексикаси. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010; Ўразбоев А. Оғахий тарихий асарлари лексикаси. Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2018; Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. – Тошкент, 2017; Холмурадова М. “Кутадғу билиг” лексикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. – Тошкент, 2018; Синдоров Л. “Ҳибат ул-хақойиқ” лексикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. – Жиззах, 2021; Ахатова М. Ўзбек тили тасаввуф лексикаси. Филол. фан. д-ри (DSc). ... дисс. автореф. – Тошкент, 2021.

хам талайгина тадқиқотлар олиб борилган³. Абдулла Қодирий ижоди дастлаб адабиётшунослик объекти сифатида тадқиқ қилинди⁴. Тилшунослик нуқтаи назардан, дастлаб Х.Қаҳҳарова Абдулла Қодирий асарларида фразеологизмларнинг қўлланилиши⁵ масаласига эътибор қаратган. З.Чориева “Ўтган кунлар” асаридаги мактубларнинг услубий хусусиятларини⁶ ўрганган бўлса, Л.Джалалова “Ўтган кунлар” романининг лингвистик тадқиқини амалга оширган⁷. Х.Қодирова ўз илмий изланишларида Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемизм ва дисфемизм ҳодисасини тадқиқ қилган⁸. А.Қаҳрамонов “Меҳробдан чаён” романидаги поэтик масалаларни⁹ таҳлил қилган бўлса-да, ушбу асар ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилгани йўқ.

Бинобарин, “Меҳробдан чаён” асари лексикасини лингвостатистик жиҳатдан тадқиқ этиш, асар матнида қўлланган туркий сўзлар семантикасини ёритиш лексик бирликларнинг ҳозирги ўзбек тилига муносабатини белгилаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Асар бадиийлигини таъминлашда фаол қўлланган, тил ҳодисаларига оид масалаларни ёритишда ўзига хос қийматга эга бўлган полисемия, метафора, метонимия, синекдоха, ирония, оксюморон, синоним, омоним, антоним, фразема каби ифода воситаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш аҳамиятли ҳодисадир. Шу боис диссертацияда “Меҳробдан

³ Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Тўйчибоев Б. Фитрат – тилшунос. – Тошкент, 1995; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида). Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси. Филол. фан. номз. ... дисс. – Бухоро, 2001; Шу муаллиф. Жадид бадиий асарлари лексикаси. Филол. фан. д-ри (DSc). ... дисс. – Бухоро, 2018; Бобожонов Ф. Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусияти (Беҳбудий ва Авлоний драмалари асосида). Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002; Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослигида Элбекнинг роли. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002; Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Тоғаев Т. Ашурани Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Қодиров Қ. Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан (20-йиллар ўзбек тилшунослик материалари асосида). Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Нормаматов С. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жадид маърифатпарварларининг ўрни. Филол. фан. д-ри (DSc). ... дисс. – Тошкент, 2019; Янгибоев Н. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилшунослиги жараёни (“Маориф ва ўқитғувчи” журнали материаллари асосида). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. автореф. – Қарши, 2019.

⁴ Қўшжонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. – Тошкент: Фан, 1966; Алиев А. Абдулла Қодирий. – Тошкент, 1967; Насриддинов Ф. Адибнинг йўли. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971; Собиров О. Сарчашма адиб ижодида. – Тошкент, 1975; Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги (Қодирийга армуғон). – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1994; Норматов У. Қодирий боғи. – Тошкент, 1995; Мирзаев И. Абдулла Қодирий. – Тошкент, 1995; Бобониёзов А. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995; Тошмухаммедова Л. Абдулла Қодирийнинг адабий эстетик қарашлари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Карим Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2006; Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010; Жўрақулов У. Қодирий ва роман тафаккури. – Тошкент: Nurafshon business, 2020.

⁵ Қаҳҳарова Х. Фразеология Абдулла Кадыри: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985.

⁶ Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий услубий хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006.

⁷ Джалалова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг лингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007.

⁸ Қодирова Х. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012.

⁹ Қаҳрамонов А. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи поэтикаси. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000.

чаён” асари лексикаси функционал-семантик, статистик, тарихий-этимологик, лексик-семантик аспектларда илк бор тадқиқ қилинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарида қўлланган лексикани лингвостатистик, тарихий-этимологик, функционал-семантик, семантик-стилистик жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

романда қўлланган сўзларни статистик таҳлил қилиш ёрдамида асар луғат таркибини тавсифлаш;

асар лексикасини генеологик жиҳатдан ўрганиш натижасида ўз ва ўзлашма қатламга доир лексемалар қўлланиш даражасини аниқлаш;

романдаги лексик бирликларини функционал-семантик жиҳатдан тадқиқ этиш орқали лексемаларнинг тарихий тараққиётини очиб бериш;

асар сўз бойлигининг семантик ҳодисаларга учраши, уларда рўй берадиган маъно ўзгаришларини аниқлаш;

манбадаги сўзларнинг стилистик хусусиятлари, яъни метафора, метонимия, синекдоха, ирония, оксюморон ҳодисаларини тадқиқ қилиш орқали муаллифнинг сўз қўллаш маҳоратини ёритиш;

асарда қўлланган луғавий бирликлар ўртасидаги шакл ва маъно муносабатлари (омонимия, синонимия, антонимия) ни далиллаш.

Тадқиқот объекти сифатида Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини “Меҳробдан чаён” асарида қўлланган лексик бирликларини лингвистик таҳлил қилиш ёрдамида ўзбек адабий тилининг XX аср бошларидаги ўзига хос хусусиятларини ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда статистик, тавсифлаш, таснифлаш, киёсий-тарихий, компонент таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

“Меҳробдан чаён” асарида қўлланилган лексик бирликларнинг туркий, араб, форс, мўғул, лотин, юнон, француз, хитой ва ҳинд тилларига оид генетик манбалари аниқланиб, романда қадимги туркий тилга оид *ўчоқ, от, кўйлак, эт*, эски туркий тилга доир *арслон, кўлага, кўч* сингари лексик бирликлар аниқланган;

роман лексикасида ижтимоий-сиёсий жиҳатдан *хон, ҳукмдор, сарой, ўрда*, маиший жиҳатдан *бўғжама, желатка, кашкул*, солиқ-молия жиҳатидан *келим, чиқим, таноб*, қавм-қариндошлик жиҳатидан *ота, ака, куяв, манкуҳа*, касб-ҳунарга кўра *бўзчи, тунқатор, доя* каби кўплаб истилоҳларнинг қўлланиш даражаси исботланган;

асар луғат фондида келтирилган сўзларнинг кўчимлар ўртасидаги, яъни метафора, метонимия, синекдоха, ирония, оксюморон ҳодисалар сифатида ёритилган ҳамда полисемантик, маъно кенгайиши ва маъно торайиши каби жараёнлар очиб берилган;

романда истифода этилган истилоҳлар орасидаги семантик-парадигматик муносабатлар, яъни омонимия, синонимия, антонимия ҳодисалари текширилган ҳамда ижодкорнинг бадиий маҳорати аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Меҳробдан чаён” асаридаги сўзлар функционал-семантик, тарихий-этимологик ва лексик-семантик жиҳатдан ўрганиш натижасида олинган хулосалар лексемаларнинг маъно тараққиётини очиб бериш, тил тарихи билан алоқадор лисоний ҳодисаларни шарҳлаш, адабий тилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига хос хусусиятларни аниқлашга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

лексикология, терминология, диалектология, фразеологиядаги лексик-семантик жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

тарихий, этимологик, фразеологик ва изоҳли луғатларни мукамаллаштиришда тадқиқот натижалари муайян даражада манба сифатида асосланган;

луғат таркиби статистикаси ишлаб чиқилган ва бу, ўз навбатида, миллий корпус учун лексик материал сифатида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, илмий иш давомида ишончли илмий-назарий манбалардан фойдаланилганлиги, методологик мукамаллиги, тадқиқот статистикаси амалга оширилганлиги ва шу асосда қўйилган масалалар аниқлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Меҳробдан чаён” асари лексикаси тадқиқи натижалари тил тарихи, жаҳид даври тилига доир тадқиқотлар яратишда, шунингдек, Қодирий тили ва услубини ўрганишда илмий-назарий манба бўлиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олий ўқув юртларида ўқитиладиган “Ўзбек тили тарихи”, “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ўзбек диалектологияси”, “Ўзбек терминологияси” сингари мутахассислик фанларидан маърузалар тайёрлашда, шунингдек, “Ўзбек тили” фани ўқитиладиган олий таълим муассасаларида махсус курслар яратишда, ўзбек тилининг қўлланиш кўламини кенгайтириш, луғат таркибини ўзбекча сўзлар билан бойитиш, шу билан бирга, тарихий, этимологик, фразеологик, жаҳид даври лексикасига доир изоҳли луғатлар яратилиши учун манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Меҳробдан чаён” асари лексикаси” тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асаридаги лексик

бирликларнинг қадимги туркий тил, эски туркий тил, эски ўзбек адабий тили ва ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати, асар лексикасининг ҳозирги ўзбек адабий тилида турли лисоний ҳодисаларга учраши билан боғлиқ илмий-назарий хулосалардан ОТ-Ф1-71 рақамли “Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этнолингвистик вазият” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 5 апрелдаги 04/1-613-сон маълумотномаси). Натижада ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида битилган туркий тилдаги асарлар лексикаси семантик жиҳатдан таснифланиб, ижтимоий-сиёсий, диний, ҳарбий, маданий, маиший, таълим-тарбия, солиқ-молия, қавм-қариндош, касб-ҳунарга оид лексик бирликларнинг қўлланиш доирасини ёритиб беришга хизмат қилган;

“Меҳробдан чаён” асар луғат фондида қўлланилган сўзлар ўртасидаги шакл ва маъно муносабатлари ҳамда ўзбек тилининг XX асрдаги луғат бойлиги, бадий имкониятларига оид илмий хулосалардан “УзНутқ Синтезатор” номли компьютер дастури маълумотлар базасини тайёрлашда БВ-Атех-2018 (143) рақамли “Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 11 мартдаги 04/1-446-сон маълумотномаси). Натижада кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқишда ушбу диссертация натижаларидан фойдаланиш ижобий самара берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 4 та халқаро ҳамда 5 та республика илмий-амалий анжуманда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, хорижий журналларда 2 та, республика журналларида 4 мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил қилади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети, фан ва технологиялар тараққиётининг

устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Меҳробдан чаён” асари лексикасининг тарихий-этимологик тадқиқи** га бағишланган. Бобнинг **“Меҳробдан чаён” асари лексикасининг статистик таҳлили** деб номланган биринчи параграфида асар лексикаси бўйича статистик маълумотлар берилди. Тилшуносликда статистик усулни қўллаш шунчаки мақсад эмас, балки тилнинг ниҳоятда мураккаб тузилиши, унинг амал қилиш сирларини билишда анъанавий усул билан биргаликда қўлланадиган воситадир¹⁰. Компьютернинг махсус дастурлари ёрдамида **“Меҳробдан чаён” асарининг электрон матни яратилди ҳамда алфавитли-частотали луғат тузилди.** Натижада асарда умумий сўзлар сони такрорлар билан – 53224, такрорларсиз – 5387 тани ташкил этиши аниқланди.

“Меҳробдан чаён” асари лексикасининг генетик таркиби қуйидаги диаграммада келтирилган:



Статистик таҳлил натижаси қуйидагиларга асосланилди:

1. Барча сўз туркумларига оид сўзлар (отлар бош келишик, феъллар инфинитив шаклида олинди).


2. Қўшма сўзлар бир луғавий бирлик сифатида олинди.

3. Паремнологик, фразеологик бирликлар, изофали бирикмалар бир лексик бирликка тенг деб ҳисобланди.

Асарда туркий сўзлар 70,1%, арабий сўзлар 17,9%, форс-тожикча сўзлар 11,6% ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар 0,2 фоизни ташкил қилади. Демак, асар луғат таркибида туркий сўзлар асосий ўринни эгаллайди. Маиший лексика,

¹⁰ Ибрагимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи (“Девон”, “Мубаййин”, “Аруз”). Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 5.

инсон тана аъзолари, қавм-қариндошликка доир мавзувий гуруҳларда туркий сўзлар самарали қўлланилган. Арабча ва форс-тожикча сўзлар асосан диний, ижтимоий-сиёсий, таълим соҳаларида кенг ишлатилган.



“Ўз қатлам” деб номланувчи иккинчи параграфда туркий лексик бирликлар диахрон аспектда тадқиқ қилинади. Ўз қатлам деганда аслан шу тилники бўлган лексемалар ва шулар асосидаги ясалишлар, шунингдек, ўз аффикс билан бошқа тил сўзларидан ҳосил қилинган лексемалар тушунилади¹¹. Ўз қатламга оид сўзлар, бир томондан тилимизнинг умумий бойлигини намойиш қилса, иккинчи томондан, уларни тарихий ёдгорликлар тили билан солиштириш асосида тил тарихи учун қимматли бўлган хулосалар чиқаришга имкон беради¹². Шу боис, “Меҳробдан чаён” асарида фойдаланилган ўз қатламга оид лексемалар қуйидаги тартибда таснифланди: а) туб туркий сўзлар; б) туркий сўзлардан ясалган лексемалар; в) ўзлашмаларга туркий аффикслар ёки бирликлар қўшиш орқали ҳосил бўлган сўзлар.

Асар тилида умумий 2973 та туркий лексема мавжуд бўлиб, 2291 таси соф туркий, 540 таси арабча, 156 таси форс-тожикча ўзлашмаларга туркий воситалар қўшиш орқали ҳосил қилинган.

Туб туркий сўзлар. Туркий сўзларнинг қадимдан пайдо бўлгани, уларнинг бош асоси, яъни генетик манбаларининг кўҳналиги билан характерланади. Умумтуркий лексика генетик жиҳатдан барча туркий тиллар учун тааллуқли бўлса-да, улар негизида ҳар бир туркий тилда кейинчалик янги сўзлар ҳосил бўлиши мумкин¹³. *Эт* сўзи қадимги туркий тилда “гўшт”

¹¹ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 173.

¹² Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 24.

¹³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 57.

маъносини англаган. Дастлаб *ām / ʔm* тарзида талаффуз қилинган (ПДП,366; ДЛТ,1,70) ўша даврлардаёқ *ā / ʔ* унлиси *ə* унлисига алмашган (ДТС,186): *ām / ʔm > ʔm* (ЎТЭЛ,1,470). Эски ўзбек тилида ҳам *ʔm* (НАЛ,710) қайд этилган семада ифодаланган. Қодирий асарида *ʔt* “гўшт” ва “инсон териси, бадани” семаларида келтирилган: *Солиҳ махдумнинг жўмардлиги кўпинча йигирма пайса ʔtdан нарига ошмас* (МЧ,8); *Қизлардан тўрттаси Нозикни таъқиб ʔtdилар ва шарт-шурт бир-бирининг ялангоч ʔтига уришиб шартак олишдилар* (МЧ,197).

Асар тилида айрим туркий сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилига нисбатан семантик ўзгаришга учраган. Хусусан, бугунги кунда “бир жойдан бошқа жойга олиб бориладиган рўзғор буюмлари” мазмунини ифодаловчи *кўч* сўзи асарда “рафика, хотин” семасида келган: *Танисаларингиз керак, ўргулай, мен мирзо Султоналининг кўчлари бўламан* (МЧ,310).

Роман лексикасининг бугунги ўзбек шеваларига муносабати бўйича олиб борган кузатишларимиз асар тили билан шеваларда қўлланилган сўзлар ўртасида яқинлик ва баъзи фарқлар борлигини кўрсатди. Хусусан, *жевак* сўзи Жанубий Туркистон қарлуқлари шеvasида “чўнтак” (ЎХШЛ,102) маъносида ишлатилган, асарда эса хотин-қизларнинг бўйнига тақиладиган зийнат буюми мазмунида келган: *Меним учун бир зирак, Раънобонуга жевак, деса ойим не керак, юмма талар, тақсирим* (МЧ,37).

Туркий сўзлардан ясалган лексемалар. Асар лексемалари аффиксация, композиция усуллари ёрдамида вужудга келган.

а) аффиксация усули:

-*чи* аффикси касб-хунар, маълум бир машғулот билан шуғулланувчи шахсни ифодаловчи от ясайди: *бўёқчи, ямоқчи, темирчи, кенгашичи, кўмакчи;*

-*ли/-лик* аффикси ўзакдан англашилган нарсага эгаликни билдиради: *кўнгилли, булутлиқ, ёғлиқ, қўрқинчли, сурмалик ;*

-*ла* аффикси шахс ва нарса асосидан англашилган ҳолатни ифодалайди: *бигламоқ, бўғизламоқ, дамламоқ, кунчиламоқ, боғламоқ, бўғизламоқ, изламоқ, имламоқ, ишламоқ, қораламоқ, кўйламоқ;*

б) композиция усули: от: от+от: *белбоғ, сон+от: қирққиз, сифат+от: калтакесак; сифат: от+от: тоғюрак, от+сифат: бошьяланг, от+феъл: элказар; феъл: от, сифат, сон, равиш, тақлид+феъл (қилмоқ, бўлмоқ, ʔтмоқ): ёрдам қилмоқ, пишиқ бўлмоқ, бир бўлмоқ, жим бўлмоқ, гийқ ʔтмоқ; феъл+феъл: олиб келмоқ, олиб қайтмоқ, бориб кирмоқ, сотиб олмоқ.*

Ўзлашмалардан туркий қўшимча орқали ҳосил бўлган ясама сўзлар. Асар матнида 540 та арабча, 156 таси форс-тожикча ўзлашмаларга туркий воситалар қўшиш орқали ҳосил қилинган ясама сўзлар учрайди. Шунини таъкидлаш лозимки, уч тил унсуридан шаклланган ясама сўзлар ҳам мавжуд: форс-тожикча+арабча+туркийча қолипда тузилган сўзлар 3 та: *бе+маъни+лик, но+рози+лик, бе+маза+лик;* арабча+форс-тожикча+туркийча унсурлардан ташкил топган сўзлар 9 та: *вафо+дор+лик, қалам+каш+лик* ва ҳ.к.

Айтиш мумкинки, романда композиция усули орқали арабча ўзлашмали ясама сўзлар сони 232, форс-тожикча ўзлашмали ясама сўзлар сони эса 27

тани ташкил қилади. Ушбу бирликларнинг 98 фоизи феъл сўз туркумини шакллантиришга хизмат қилган.

Асарда арабча ва форс-тожикча ўзлашмаларга ясалган сўзлар талайгина:

1) аффиксация усули:

-лик/-лиқ/-лиғ аффикси ўзи қўшилган асосдан англашилган нарсага эгаликни ифодаловчи мавхум ҳамда фаолият-жараённи билдирувчи отларни ҳосил қилган:

а) арабча ўзлашмалар орқали ясалган сўзлар: *абаслик, аблахлик, маймунлик, мезонлик, мирзолик, фақирлик, фарзлик, хуфиялик, ятимлик;*

б) форс-тожикча ўзлашмалар ёрдамида ҳосил бўлган лексемалар: *аидишалик, дархонлик, домодлик, душманлик, жонбозлик, қаҳрамонлик, нодонлик.*

-сиз аффикси асосдан англашилган нарсага эга эмасликни англантиб, белги-хусусиятни ифодаловчи сифатларни ясайди:

а) арабча ўзлашмалар орқали ясалган сўзлар: *адабсиз, аҳамиятсиз, вазифасиз, давосиз, дараксиз, зарарсиз, иззатсиз, илмсиз, ҳиссиз* ва ҳ.к.;

б) форс-тожикча ўзлашмалар орқали шаклланган сўзлар: *андишасиз, бахтсиз, гуноҳсиз, гўштсиз, озорсиз, рангсиз, умидсиз, ҳушсиз* ва ҳ.к.

-лан аффикси асосдан англашилган иш, нарса, ҳолатни бажариш, юзага чиқариш маъносини билдиради:

а) арабча ўзлашмалар орқали ҳосил бўлган сўзлар: *адабланмоқ, завқланмоқ, кифояланмоқ, роҳатланмоқ, таажжубланмоқ,* ва ҳ.к.;

б) форс-тожикча ўзлашмалар орқали ясалган сўзлар: *жонланмоқ, зорланмоқ, сустанмоқ, умидланмоқ, ҳезланмоқ, шодланмоқ* ва ҳ.к.

2) композиция усули:

а) арабча ўзлашмалар орқали ясалган сўзлар: *авсат қилмоқ, адо қилмоқ, азл қилмоқ, афу этмоқ, амр қилмоқ, уҳда қилмоқ* ва ҳ.к.;

б) форс-тожикча ўзлашмалар орқали ҳосил бўлган сўзлар: *афсус қилмоқ, давара қилмоқ, даромат қилмоқ, маст бўлмоқ* ва ҳ.к.

Арабча ўзлашмалар. Тадқиқот манбасида такрорларсиз 1355 та арабча лексема мавжуд ҳамда ушбу бирликлар ижтимоий-сиёсий, диний, таълим, адабиётга доир истилоҳларни қамраб олади. Асар таркибидаги арабча ўзлашмаларни структур-грамматик жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) соф арабча лексемалар: *авсат* – “ўрта, ўртача”, *адо* – “тубан, қуйи”, *азм* – “қасд, киришиш”, *афтодаҳол* – “тушкинлик”, *важҳ* – “сабаб, асос”;

б) қоришиқ, яъни арабча+форс-тожикча унсурлардан шаклланган сўзларнинг сони 64 та: *айб+она, харом+зода, мактаб+дор.* Форс-тожикча ва арабча шаклдаги сўзлар сони 28 та: *но+мағруб, бе+савоб, сер+такаллуф.*

“Меҳробдан чаён” асаридаги баъзи арабча ўзлашмалар ҳозирги ўзбек адабий тилида семантик ўзгаришларга учраган. Масалан, романда келтирилган *маърака* сўзи арабча *таъракат(un)* шаклига эга, *таъракат* -> *маърака*; *ъаракат* феълнинг “курашди” маъноси асосида (АРС,511) ясалган *таъракат(un)* ўрин отининг *-at(un)* қўшимчасини олган шакли бўлиб, араб тилида “кураш”, “жанг” мазмунига эга (ЎТЭЛ,II,255). Эски ўзбек тилида

“жанг майдони”, “йиғин”, “муҳораба”, “маросим” (АНАТИЛ,II,273) семаларини билдиради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ушбу лексеманинг қуйидаги маънолари кузатилади: 1) мотам маросимларининг йиғиндиси; 2) тўй, томоша муносабати билан бўладиган йиғин, маросим; 3) жанг майдони; жанг; 4) кўчма. Сиёсий ёки хўжалик аҳамиятига эга бўлган бирор ишни амалга ошириш учун ўтказиладиган ялпи ҳаракат (ЎТИЛ,II,566). Ушбу лексема асар тилида “жанг майдони”, “жанг” семаси келтирилган: *Тухмат ва бўҳтон хавфида маъракадан юз ўгуриш йигитларнинг иши бўлмас* (МЧ,61). Ҳозирги ўзбек адабий тилида “мотам маросимлари” ни ифодаловчи семемаси фаол ишлатилади.

Асар лексикасида айрим арабча сўзлар семантик ўзгаришлар билан берилган. *Сўфи* лексемаси арабча ўзлашма бўлиб, асли “жундан кийим кийган одам”¹⁴, “тақводор”, “тасаввуф тариқатига кирган”; “юлдузлар” (АНАТИЛ,III,142) маъноларини билдирса, асарда “азон айтувчи”, “кишиларни намозга чақирувчи” мазмунини ифодалайди: *Улар чиқиб кеткандан сўнг сўфи шамъни ўчирди, бошқалар масжиддан тарқадилар* (МЧ,256).

Форс-тожикча ўзлашмалар. Ўрганилаётган манбада форсий ўзлашмалар сони 834 тани ташкил этиб, улар ижтимоий-сиёсий, қурилиш, маиший лексикаларни ифодалашда фаол иштирок этган. Романда айрим форс-тожикча ўзлашмалар бугунги кунда семантик ўзгаришларга учраганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, форс-тожикча *оҳор* ўзлашмаси “крахмал”, “газламага пардоз бериш” (ЎТЭЛ,III,179) маъноларини билдириб, ип, газлама ёки кийимга пардоз бериш, қотириш учун ишлатиладиган модда (ЎТИЛ,III,196) саналади. Асарда бўзчиликка оид “крахмал” мазмунини ифодаловчи термин сифатида келтирилади: *Сафар бўзчининг бир кечлик ишига бир оҳор мўлжал бўлиб, қора чароғнинг мойи ҳам соат вазифасини ўтар эди* (МЧ,259). Ҳозирги кунда *оҳор* сўзининг семантикаси ўзгарган бўлиб, “янги”, “ишлатилмаган” каби маъноларни англатади. Хусусан, *оҳори тўкилмаган* ибораси айни шу семани беради.

Асар тилида баъзи форсий ўзлашмаларнинг асл семаси ўзгарган шаклда қўлланган. *Сипориш* сўзи форсча “топширик”, “вазифа”, “кафолат”, “ўғит” каби маъноларни билдириб, XIV-XV асрларда “ҳол-аҳвол сўраш”, “ҳурмат”, “меҳрибонлик қилмоқ” (АНАТИЛ,III,86) каби семемаларни англатган. Қодирий асарида ушбу сўзнинг семантик даражаси ўзгарган: *Махдум уламо амалдор ва гайрилардан шунинг каби сипоришларни тўрт-беш соатдан бери қабул қила-қила жуда мияси суюлган эди* (МЧ,131). Кўринадики, ўзлашма роман матнида юқорида келтирилган семаларни ифодаламайди, балки “илтимос” маъносида қўлланмоқда.

Бошқа тиллардан ўзлашган лексемалар. “Меҳробдан чаён” романида арабча ва форс-тожикча ўзлашмалардан ташқари 4 та мўғулча, 3 та французча, 3 та лотинча, 2 та хитойча, 2 та ҳиндча, 2 та юнонча сўзлар кузатилади. Маълумки, туркий билан мўғул халқларининг алоқалари узок даврни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам роман матнида ижтимоий-сиёсий

¹⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 122.

лексика билан боғлиқ мўғул тилидан ўзлашган сўзлар кўзга ташланади. Чунончи, *шиговул/шаговул* – мўғулча *sigaul* сўзининг ўзлаштирилган шакли бўлиб¹⁵, Бухоро ва Хива хонликларида элчиларни кутиб олиш, уларни хон хузурига олиб кириш, саройдаги қабул маросимларини бошқариш ва назорат қилиш билан шуғулланган мансабдор шахс (ЎТИЛ,IV,586). Диахрон нуқтаи назардан эски ўзбек тилида *-вул (-в+ул)* аффикси иштирокида бир қанча лексемалар ясалган. Алишер Навоий уқтиришича, *-вул* аффикси ҳарбий ва сарой хизматчилари лавозимига эга бўлган шахсларни ифодаловчи лексемаларни ҳосил қилади: ...*Салотиннинг хоҳ разм асбоби учун ва хоҳ базм жиҳати учун муътабардур, андоққи, ... ва қоровул, сўзовул, патовул, китновул, ясовул, баковул, шиговул, дақавулким, алар мундин улвийдурлар*¹⁶. Ҳ.Дадабоевнинг фикрича, *-(в)ул* туркий ва мўғул тиллари учун умумий аффикс ҳамда қадимги ва эски туркий тилда учрамайди, мазкур аффикс эски ўзбек тилида, асосан, ҳарбий терминларни шакллантирувчи қўшимча сифатида келтиради¹⁷. Кўкон хонлигида элчилар ва чопарларни хон хузурига бошлаб кирувчи мансаб эгасига нисбатан ушбу истилоҳ ишлатилган. Асарда ўзлашманинг фонетик ўзгаришга учраган *шогобул/шоговул* шакллари учрайди: *Домла Бурҳон махдумнинг бўлса, шогобул домла билан оралари бузуқ; агар хон ёрлиғни унинг исмига буюрганда ҳам шоговул домла ёзмас эди* (МЧ,143).

Муаллиф ўша давр учун неологизм бўлган *жилетка* лексемасидан фойдаланган. *Жилетка* французча сўз бўлиб, “енгсиз камзул, нимча” (ЎТИЛ,II,86) маъносини билдириб, асарда *желатка* тарзида келган: *Уларнинг ясанига келганда, юқоридаги канизларда кўрилгандек — қизил шол кўйлак, сариғ гуллик қизил шол рўймол, шувамотос ёки адрас желатка эди* (МЧ,189). Ҳозирги ўзбек адабий тилида *нимча* (ЎТИЛ,III,42), Бухоро шеvasида *калтача* (ЎХШЛ,137) шаклида қўлланилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Мехробдан чаён**” асари лексикасининг **функционал-семантик таҳлили**” деб номланади. Функционал-семантик майдон термини майдон тушунчасининг лисоний ҳодиса эканлигига ишора қилиш билан бирга, унинг моҳиятини ҳам ўзида нисбатан тўлиқроқ акс эттиради¹⁸. Бадиий асар лексикаси кўлами, қўлланган лексик бирликларнинг камрови нуқтаи назардан қуйидаги семантик гуруҳларни ўз ичига олади:

- 1) антропонимлар: *Анвар, Раъно, Қамбар, Ойнисохон, Тўхтабиби;*
- 2) топонимлар: *Ҳўқанд (Қўқанд), Бахмалбоф, Олтиариқ, Фишткўприк;*
- 3) этнонимлар: *ўзбек, туркий, уйгур, қашғар, қипчоқ, ҳабаш, қирғиз;*
- 4) фитонимлар: *бинафша, зарча, лола, райҳон, раъно, терак, чечак;*
- 5) зоонимлар: *арслон, будана, байтал, бузоқ, илон, ит, от, ҳўкуз, чаён;*

¹⁵ Дадабоев Ҳ. Эски ўзбек тили обидаларида мўғулча сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 6. – Тошкент, 1986. – Б. 34.

¹⁶ Мўминова О. Ўзбек тилида мансаб ва унвон номларининг лексик-семантик таркиби. – Тошкент: Алоқачи, 2009. – Б. 87.

¹⁷ Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке // Проблемы лексики староузбекского языка. – Ташкент, 1990. – С. 75.

¹⁸ Элмурадова Л. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони). Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 26.

- 6) гидронимлар: *ариқ, узанги, кўл, дарё*;
- 7) теонимлар: *илоҳ, ибодат, калима, намоз, закот, фарз, оят, ҳадис*;
- 8) астронимлар: *кўк, қуёш, ой, юлдуз*;
- 9) маъдан номлари: *ёқут, жавоҳир, зумурад, кумуш, симоб, темир*;
- 10) ижтимоий-сиёсий терминлар: *хон, ҳукмдор, валиаҳд, сарой, ўрда*;
- 11) ҳарбий терминлар: *муҳофиз, саркарда, маърака, уруш, қилич, тиг*;
- 12) қавм-қариндошлик терминлари: *ота, она, ака, ога, ука, опа, куёв*;
- 13) инсон тана аъзолари номлари: *бармоқ, бел, бош, бўғиз, илик, ирин*;
- 14) маиший лексика: *бешик, бўғжам, булоқи, ўчоқ, қозон, кашкул*;
- 15) қурилиш лексикаси: *бўсага, ёғоч, тирқиш, туйнук, тўсин*;
- 16) молия-солиқ терминлари: *келим, чиқим, таноб, маош, сармоя*;
- 17) мато номлари: *адрас, бўз, банорас, беқасам, хонатлас, бахмал*;
- 18) таълим-тарбия билан боғлиқ истилоҳлар: *ёзув, ҳисоб, ҳуснихат*;
- 19) адабиёт билан боғлиқ истилоҳлар: *байт, мисра, назм, рубоиёт*;
- 20) озиқ-овқат номлари: *атала, бўғирсоқ, жаз, қайла, қўғурма, убра*;
- 21) ичимлик ва ичкилик номлари: *сув, сут, чой, май*;
- 22) вақт тушунчасини ифодаловчи сўзлар: *давр, замон, йил, кўклам*;
- 23) табиат ҳодисаларини билдирувчи сўзлар: *ел, ёмғур, изгирик, қор*;
- 24) ранг-тус билдирувчи сўзлар: *гунгурт, зангор, зафар, қора, малла*;
- 25) ҳисоб сўзлари: *ботмон, қадоқ, пайса, газ, қадам, қарич, қулоч*;
- 26) ўрин-жой номлари: *боғ, бозор, гор, диёр, жар, кўча, қир, маҳалла*;
- 27) мавҳум тушунча билан боғлиқ сўзлар: *қўрқунч, суйинч, саросима*;
- 28) ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи лексикалар: *букмоқ, бормоқ, жўнамоқ, кезинмоқ, қайирмоқ, қоқмоқ, қочмоқ, қўзгалмоқ, гингишмоқ*.

Бобда ушбу семантик гуруҳларнинг асарда қўлланиш даражасига қараб ижтимоий-сиёсий, маиший, молия-солиқ тизимига доир лексика, антропоним, топоним, этноним, қавм-қариндошлик терминлари, таълим-тарбияга оид истилоҳлар каби фаслларга ажратилиб, мазкур лексик қатламга доир сўзлар диахрон аспектда таҳлил қилинди. Хусусан, ижтимоий-сиёсий терминлар доирасида таҳлил қилинган *доя* форс-тожикча ўзлашмаси Навоий асарларида “энага” (АНАТИЛ, I, 507) маъносини билдирса, Қодирий асарида икки хил семемада кўзга ташланади: 1) тўлғоқдаги аёлларни туғдирувчи хотин, энага, акушерка: *Онаси ўз ёнига доя чақириб такаллуфланмади, тўнғуч қизи Нодиранинг кўмагида туғди* (МЧ, 66); 2) гўдакларни тарбияловчи, сарой хизматидаги аёл: *Бу ҳавлида хоннинг суюкли хотинлари ўзларига хос доя, чевар, канизлар ва қуллари билан турар эдилар* (МЧ, 182). Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса бу лексема нофаоллашган, семантик маъно торайишига учраган.

Маиший лексика доирасига кирувчи *рўмол* форс-тожикчада “юз” маъносини англатадиган *рў* оти билан (ТЖРС, 331) “бисотдаги нарсалар” маъносини билдирувчи арабча *мол* отидан (АРС, 774) сўзларидан шаклланган бўлиб, аёл-қизлар бошига ўрайдиган матодан таркиб топган буюм ҳисобланади (ЎТЭЛ, II, 203). Эски туркий ва эски ўзбек тилида қайд этилган маънони *бўрўнчўк, сарағуч* (ДЛТ, I, 467, 449), *бурунчак/буранчак, ёғлиқ* (НАЛ, 137, 213) каби лексемалар ифодалаган. Асар тилида *рўмол* сўзининг

икки хил семемасини учратишимиз мумкин: 1) бошга ўраладиган буюм: *Раъно Анварнинг қаршисига ўлтурди, ўлтуруши билан кучлик шамол юриб, бошидаги рўймолини учурди* (МЧ,156); 2) юз-кўзни, бурунни артиш учун мўлжалланган буюм, дастрўмолча: *Салласини чиқариб ёстиқнинг устига ташлади ва рўймоли билан манглайдаги терларини артиб, ўзини елтиди* (МЧ,52). Шунингдек, *рўмол сўзи билан бирга атлас парчаси бирикмаси эквивалент сифатида ишлатилган: Ҳар замон титраб, учиб кетишга ҳозир турган бошидаги сариг атлас парчасини (рўймолни) бир қўли билан босиб ушлаган эди* (МЧ,92).

Асарда хонлик ижтимоий-сиёсий ҳаётида маълум бир амалдорларга солиқлардан озод этиш учун *дархонлик қоғози* берилган: *Моҳонадан ташқари солиқлардан ҳам дархонлик қоғози олди. Солиқлардан дархонлик махдумднинг рўзгорига катта енгиллик эди* (МЧ,83). Мўғулча ўзлашма *дархон* сўзи “темирчи”, “озод киши” маъноларни билдириб, солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган; имтиёзли, дахлсиз (ЎТИЛ, I, 569) маъноларни англатган. Дархонлик қоғози қабила, уруғ ёки мансабдор шахсларнинг хонликлар давридаги солиқлардан озод қилиш имтиёз қоғози эди¹⁹. Романда эса Солиҳ махдум оиласига дархонлик қоғозининг берилиш сабаби мирзо Анварнинг бош муншийлик лавозими билан боғлиқдир.

“Меҳробдан чаён” асари лексикасининг семантик-стилистик хусусиятлари бағишланган учинчи бобнинг биринчи параграфи *“Полисемиянинг ифодаланиши”* деб номланиб, унда кўп маънолилиқ, сўзнинг маъно кенгайиш ҳамда маъно торайиш жараёнлари таҳлил қилинган. Жумладан, *қора* сўзининг “тўқ ранг” маъноси қадимги туркий тил, ҳозирги ўзбек адабий тил, тадқиқот объектида ҳам доминант семема ҳисобланади: *Махдумга кутулмаган равишда меҳрибон муомала қилгучи бу ўрдалиқ қирқ ёшлар, чамасида, узун бўйлиқ, қора узун соқоллиқ, симоби салласининг пешини туширган қорача туслик бир йигит эди* (МЧ,39). Бундан ташқари *қора* сўзининг асарда полисемантик маънолари ҳам учрайди:

1) вақтга нисбатан қийин давр мазмунида келган: *Салтанати хонлиқ истибдодининг аччиғ зулм ва таъаддиларининг жонсўз қора саҳифаларини ташкил этадир* (МЧ,162);

2) кучли, куруқ совуқ семемасини ифодалайди: *Қишининг охирги кунлари кўчада қора совуқ билан изгириқ юрар эди* (МЧ,319);

3) дард, алам маъносида қўлланган: *Кажрафтор фалак уни ҳам бағрида қора доғи билан ўрда томонга қараб судрар эди* (МЧ,320);

4) ёмон, зулмкор семемаларини билдиради: *Мазкур қора кучларга қарши тубан синф камбағаллар, уларнинг хонлиқ тузилишига қора куч уламо алайҳига чиқиши, меҳнаткаш камбағалларнинг ахлоқи, сажияси, оиласи турмиши ва бир-бирига алоқаси* (МЧ,5).

Сўз маъноларининг ўзгариши хилма-хил ва мураккаб жараён ҳисобланади. Лексема маъносининг торайиши, кенгайиши ва янги сема касб этиши узок давр маҳсулидир²⁰. Хусусан, *қот*- феъли Кошғарий луғатида

¹⁹ <https://shosh.uz/qoqon-honligi-katta-maqola/>

²⁰ Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 166.

қатиндi – кучли бўлди; аралашди (ДЛТ,II,180), Навоий асарларида “музламоқ”, “аралашмоқ” (АНАТИЛ,IV,68) семаларида келган. Мазкур сўз асар тили 14 ўринда 9 маънода қўлланган:

1) қаттиқ бўлмоқ: *Раъно онасининг сўзи билан қутидан беш-олти дона нон олиб, дадасининг қўлига берди. Дарҳақиқат, бир-бирига ўхшамаган нонлар тарашидек қотиб қолган эдилар* (МЧ,129);

2) қимирлаш, ҳаракатланиш хусусиятини йўқотмоқ: *Худоёр ҳузурига кирадиган эшикнинг икки ёнида ойболта кўтарган икки жаллод сурат каби қотқанлар* (МЧ,119);

3) кўркув, ҳайрат ва бошқа сабаб билан ҳаракатини тўхтатиб, қимир этмаган ҳолда бўлмоқ: *Анвар яна ўша сўзини такрорлади, Қобилбой энди бироз орқасига қочиб кўзини катта очди ва бир неча вақт қотиб турди* (МЧ,373);

4) ҳаракатсиз, ривожланишсиз ҳолда бўлмоқ: *Мирзо Анварга ошиқ бўлган экансан, Нозик. Нозик ҳамон қотиб турар эди* (МЧ,203);

5) қаттиқ совқотмоқ, тўнгмоқ, музламоқ: *Совуққа қотқан кўринасиз, тақсир... Гулханмиз бор* (МЧ,243);

6) тўхтовсиз, қаттиқ кулмоқ: *Чўлоқ қуш кўкда учиб чарчагандан кейин дарахтга қўнолмайди, аммо ерга тушса, мушук еб қўяди, – деди Раъно ва кулиб қотиб қолди* (МЧ,278);

7) қаттиқ уйқуга кетмоқ: *Кун чошқоқдан ошиб, Чорсуда халқ гола-говирини бошланса ҳам, шундаги бўш дўконларнинг бирида уч нафар йигит ҳануз донг қотиб ухлар эди* (МЧ,356);

8) айтмоқ: *Анвар Нигоройимга раҳмат айтиб, тўйганини сўзлади ва қўл артар экан чақалоққа гап қотди* (МЧ,219);

9) “аралашмоқ”: *Шу чоққача олов кавлаб, жим ўлтурган Тойир ака сўзга қотишти* (МЧ,250).

“Кўчим ва унинг турлари” деб номланган иккинчи параграфда асар матнидаги метафора, метонимия, синекдоха, ирония, оксюморон ҳодисалари таҳлил қилинди. Н.Маҳмудов метафорани дунёни билишнинг энг қудратли қуролларидан бири деб таъкидлайди²¹. Асардаги метафоралар қайси сема асосида кўчимни ҳосил қилганлигини компонент таҳлил методи воситасида тадқиқ қилинган. Чунончи, *Шубҳа ичида қизарган муҳаббат* (МЧ,146). Бу жумлада метафорик ифода *қизарган* сўзи орқали шакллантирилган. Метафораланаётган сўз – *муҳаббат*. Бу кўчим ҳодиса (муҳаббат) нинг белги (қизарган) сини ифодалагани учун белги воситасидаги метафорик кўчим саналади. *Қизарган* сўзининг қайси семаси кўчимга асос бўлганини кузатамиз:

- | | |
|---------------------------|------------|
| 1) қизил, алвон ранг; | } қизарган |
| 2) уялиш, ийманиш ҳолати; | |
| 3) етилмоқ, пишмоқ. | |

Қизарган сўзи феълнинг белги-хусусиятни ифодаловчи сифатдош шаклидир. Маълумки, *қизармоқ* феълининг пишиш, маромига етиб

²¹ Маҳмудов Н. Термин, образли сўз, метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 4. – Тошкент, 2013. – Б. 5.

шаклланиш каби семалари мавжуд, муҳаббатнинг қизарган сўзи билан боғлиқлиги айна охирги сема негизида пайдо бўлган.

